

Тақво билан вараъ орасидаги фарқлар | Тазкия дарслари (261-дарс)



19:00 / 24.12.2023 1152

1. Тақво ҳимояга тайёргарликдир.

Вараъ шубҳани даф қилишдир.

2. Тақво сабаби аниқ нарсадир.

Вараъ сабаби гумон нарсадир.

3. Тақво инсоннинг ўзи сақланаётган нарсадан ҳазир бўлишидан иборат бўлиб, у ила инсон ва унинг ёмон кўрган нарсаси орасида тўсиқ ҳосил бўлади.

Вараъ эса оқибати нима бўлиши гумон бўлган нарсадан нафснинг жудо бўлишидир.

«**Вараъ**» сўзи араб тилида «**бир нарсадан ўзини тийиш ва тортиниш**», «**хижолат бўлиш**» маъносини билдиради.

Уламолар «**вараъ**»нинг истилоҳий маъноси ҳақида бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифларни айтганлар.

Муновий: «**Вараъ сени шубҳага солган нарсани тарк қилмоғинг, айб бўладиган нарсани рад қилмоғинг ҳамда энг ишончлисини олиб, нафсни машаққатга солмоғингдир**», деган.

Баъзилар: «**Таом ва либосга назар солиб, шубҳаси борини тарк қилмоқдир**», дейишган.

Яна бир қавлга биноан: «**У шубҳали нарсалардан четда бўлиб, хатарли нарсаларни муҳофаза қилишдир**».

Роғиб: «**Вараъ дунё матоҳларини олишга шошилишни тарк қилишдир**», деган.

Вараъ ҳаром ва макруҳ нарсалардан бўлади, вожиб ва мустаҳаблардан эмас.

Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.